Ушбу сонда:
2 «ҚОНУННИ БИЛМАСЛИГИМ ПАНД БЕРДИ» (Сабок)
3 БАЙРАМОЛДИ ТАБРИКЛАРИ
4 РИВОЯТГА КЎЧГАН МИНОРАЛАР (Фахр)

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ. ОЛИЙ БАХТ
ОЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАТСИЯСИ — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 20 март, сешанба №42 (1056)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

МУРУНТОВ - ЎЗБЕКИСТОННИНГ ОЛТИН ТОЖИ

17 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВ Навоий вилоятидаги саноат корхоналари фаолияти билан танишиш мақсадида Зарафшонда бўлди

Дастлаб Президент фосфорит рудаси қазиб олинаётган Тошқўра карьерига борди.

Бу кондан қазиб олинадиган руда фосфорит моддасига бойлиги билан ажралиб туради. Ҳисоб-китобларга қараганда, конда миллионлаб куб метр руда бор. Бу эса ундан ўнлаб йиллар давомида фойдаланиш мумкин, деган гап.

Ислом Каримов кондан руда қазиб олиш жараёни, хомашё захираси, иқтисодий кўрсатгичлари билан қизиқди.

Олимларимиз мазкур ҳавзада кўплаб фосфорит рудали конларни аниқлаган. Улар сирасига Жерой, Қуруққудуқ, Ойдинбулоқ, Азнек, Оёққудуқ, Нура, Сангрантов, Тошқудуқ каби карьерларни киритиш мумкин. Захира катта, лекин ундан самарали фойдаланилса, кўрилажак фойда янада каттароқ бўлади.

Бунинг учун, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари, мазкур конлардан олинаётган хомашёни қайта ишлаш уч йўналишда олиб борилиши зарур. Биринчидан, қишлоқ хўжалиги талабларига мос келадиган маҳсулот ишлаб чиқариш зарур. Чунки деҳқонларимизда фосфор ўғитларига ҳар доим эҳтиёж бўлади. Улар учун мўлжалланган маҳсулотлар таннархи арзон, хўжаликлар сотиб олишга қурби етадиган бўлиши керак. Иккинчи йўналиш - кимё заводлари учун маҳсулот ишлаб чиқариш. Уларга таркибида фосфорит моддаси анча юқори бўлган хомашё жўнатилиши табиий. Конларимизда эса бундай корхоналар талабига жавоб берадиган хомашё анчагина. Учинчи йўналиш халқаро андозаларга мос экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқаришдир. Айни шу соҳага алоҳида эътибор қаратиш керак. Чунки Ўзбекистондаги конлардан фосфорит қазиб олишнинг бирмунча афзал томонлари бор. Аввало, таннарх арзон. Бундан ташқари, конлардан узоқ муддат самарали фойдаланиш мумкин. Қолаверса, экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фойдали жиҳати ҳам кўп. Бизга ҳудудий жиҳатдан яқин бўлган, маҳсулотларимизга асосий харидор мамлакатларда қишлоқ хўжалиги устувор соҳалардан ҳисобланади. Биз бу имкониятлардан самарали фойдаланмоғимиз зарур.

Ислом Каримов Қизилқум фосфорит комбинати фаолияти билан ҳам танишди.

Мустақиллик йилларидан фойдаланишга топширилган мазкур корхона мамлакатимиздаги кимё заводларини фосфорит хомашёси билан таъминлайди. Бу ерда энг замонавий технологик ускуналар ўрнатилган. Шу кунгача комбинатда 600 минг тоннадан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, унинг 400 минг тоннасини фосфорит конденсати ташкил этади. Комбинатнинг конлар яқинида қурилганини ва улардаги захира узоқ йилларга етишини ҳисобга олсак, ундаги ишлаб чиқаришнинг самарадорлигига шубҳа қолмайди.

Президентимизнинг комбинатга ташрифи чоғида бу ерда рудани майдалаш цехи ишга туширилди. Бу эса корхона қувватининг янада ошишига, демакки, қишлоқ хўжалиги учун жуда зарур бўлган фосфорли ўғитлар кўпайишига олиб келади. Янги конлардан фойдаланиш йўлга қўйилаётгани, комбинат қувватининг оширилиши мамлакатимиз кимё заводларига етказиб берилаётган хомашё миқдори кўпайишини ҳам таъминлайди.

Шу куни давлатимиз раҳбари Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли Мурунтов олтин конига ҳам борди.

Мурунтов дунёдаги энг олтинга бой конлардан бири ҳисобланади. Бу ерда илк бор бўлган киши кўз олдида намоён бўлган ажойиб манзарани кўриб, ҳайратланмасдан иложи қолмайди. Тўрт юз метр чуқурликдан рудани юқорига олиб чиқаётган қудратли юк машиналари қумурсқадек бўлиб кўринади. Манзарани кўриб, бундай салоҳиятни ончамунча давлат кўтара олмайди, деган хаёлга борасан, киши. Ўзбекистон эса нафақат шундай улкан залворни тортиб келяпти, балки саноатнинг бу турини янада ривожлантириб, дунёнинг етакчи мамлакатлари сафидан жой олишга ҳаракат қиляпти.

Кончиларда конни чуқурроқ ва кенгроқ қазиш керак, деган тушунча бор. Бепоён Қизилқум бағрида меҳнат қилаётган кончилар бу қонунни замонавий технологиялар воситасида амалга ошириш йўлидан бормоқда.

Ҳақиқатан ҳам, Навоий кон-металлургия комбинати ишлаб чиқаришга замонавий технология жалб этишда мамлакатимизда етакчи ўринда туради. Комбинат мутахассислари Мурунтовдан руда қазиб олиш жараёнини компютер ёрдамида бошқариш тизимини жорий этган. Мазкур тизим конда ишлаётган ҳар бир экскаватор ва юк машинасининг ҳаракатини доимий назорат қилиб туради. Уларнинг ҳар бирида марказий бошқарув тизими билан боғланиш мосламалари ўрнатилган. Дейлик, конда ишлаётган бир экскаватор бўш қолди, бошқасиниг ёнида эса юк ортириш учун уч-тўрт машина навбатда турибди. Марказий бошқарув тизимида буни кузатиб турган ходим вазиятни дарҳол таҳлил этади ва навбат кутиб қолган машиналарни бўш турган экскаваторга йўллайди.

Ушбу усулнинг жорий этилиши натижасида Мурунтов конида автотранспорт хизмати самарадорлиги 8-12 фоиз ортди. Бундан кўрилаётган қўшимча даромад миқдори эса 15 миллион АҚШ долларигача етди.

Ислом Каримов навоийлик кончиларнинг энг янги технологияларни ишлаб чиқаришга астойдил жорий этаётганини юқори баҳолади. Айниқса, давлатимиз раҳбари комбинат мутахассисларининг разведка ва эксплуатация чоғида заминни математик модуллаш усулини қўллаётганига катта қизиқиш билдирди.

Бу усул, соддароқ қилиб айтганда, кон захираси ва руда таркиби бойлигини аниқлашнинг компютер технологиясига асосланган математик ҳисоб-китобидир. Унинг жорий этилиши натижасида Мурунтов конининг учинчи навбатидан фойдаланишнинг ўзидан кўриладиган қўшимча даромад миқдори 150 миллион долларга етди.

Ислом Каримов бу усулни мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги конларда қўллаш зарурлигини таъкидлади. Чунки конларни замонавий йўллар билан тадқиқ этиш, улардаги захира миқдорини аниқ белгилаш, конлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш жуда муҳим вазифадир.

Мурунтовда янги технологияларни жорий этиш ҳисобига рудадан кўпроқ фойда олиш йўлга қўйилган. Жумладан, ҳозир бу усул билан илгаригидан кўра 15-17 фоизгача кўп фойда кўришга эришиляпти.

Давлатимиз раҳбарининг Навоий вилоятидаги саноат корхоналари фаолияти билан танишувидан аён бўлдики, бугунги кунда мамлакатимиздаги кўплаб корхоналар замонавий технологияларни жалб этишга зўр бериб ҳаракат қилмоқда. Бу эса юртимизнинг тез орада саноати ривожланган мамлакатлар сафидан жой олишидан далолатдир.

Анвар КАРИМОВ,
ЎзА мухбири.



Халқимизнинг севимли байрами - Наврўз арафасида мамлакатимизга Японияда ажойиб хушхабар келди. Унда Хиросимада ўтказилган Халқаро болалар асарлари танловига АҚШ, Россия, Хитой, Корея Республикаси, Франция, Австралия каби давлатлар ҳамда Японияда юборилган 6 мингдан зиёд расм орасида Ўзбекистон Бадиий академияси Андижон вилоят лицейи ўқувчиси Дилфуза Матбобоева «Маҳаллада тўй» асари учун танловнинг биринчи Соврини ва Хиросима шаҳри мэри Тадатоси Акибанинг Фахрий Дипломи билан тақдирланганги айтилган эди.

ДИЛФУЗАНИНГ УЛКАН ЮТУҒИ

Дилфузанинг онаси - Андижон вилояти Избоскан туманидаги Тўрткўл қишлоғида яшовчи Тожибар Матбобоева ўз қувончини билдириб Президентимиз Ислом Каримовга мактуб йўллади.

У ўз хатида отасиз ўсгани, 18 ёшида онасидан ҳам айрилиб қолгани, ҳаётда кўп қийинчилик кўргани, айни вақтда тўрт фарзанд тарбиялаётгани, улардан икки нафари рассомликка ихтисослашган лицейда ўқиётгани ҳақида ҳикоя қилади. Қизи Дилфуза - чекка бир қишлоқдаги оддий оила фарзандининг бундай муваффақиятга эришиши буюк истиқлол берган имкониятлар туфайли, давлатимиз раҳбари Ислом Каримов юритаётган халқпарвар сиёсат шарофатидан эканлигини алоҳида таъкидлаб, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш борасида кўрсатаётган ғамхўрлиги учун Президентимизга ўзининг самимий миннатдорлигини билдиради.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов шу муносабат билан Дилфузанинг онаси Тожибар Матбобоевага табрик хати йўллади. Унда шундай дейилади:

Ҳурматли Тожибар синглим!

Аввало, қизингиз Дилфуза эришган катта ютуқ - Японияда бўлиб ўтган халқаро расмлар кўргазмасида биринчи ўринни қўлга киритгани билан сизни ва барча оила аъзоларингизни табриклайман.

Юртимизнинг олис бир қишлоғида яшайдиган оддий ўзбек қизининг бу ютуғи бутун халқимизнинг, авваламбор, ҳаётга умид ва ишонч билан қадам қўяётган, униб-ўсиб келаётган ёшларимизнинг қувончи, миллий ғуруримизни оширадиган, маънавий салоҳиятимизни намоён этадиган яна бир далил, десам, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Менга йўллаган хатингизни ўқиб, сизнинг кўп-кўп қийинчиликлардан, ҳаёт синовларидан ўтган инсон эканингизни англадим. Лекин ҳар қандай қийин шароитда ҳам ўз инсонийлик фазилатларингизни сақлаб, бундай хусусиятларни фарзандларингизга, аввало, менинг набирам Дилфузага сингдирганингиз таҳсинга сазовордир.

Мамлакатимизда сиз каби ота-оналар кўпайиб бораётганини, улар сиймосида биз эртанги кунимизни, яъни болаларимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган авлод бўлиб камол топишида фидойилик кўрсатаётган инсонларнинг ҳиссасини кўриб, бениҳоя қувонамиз.

Бундай интилишлар билан яшаётган халқнинг ҳаёти албатта фаровон бўлади, бундай давлатнинг келажаги албатта буюк бўлади.

Оллоҳ таоло сизларни ўз паноҳида асрасин. Хонадонингиздан тинчлик-тотувлик, файзу барака, қувонч аримасин.

Ҳурмат билан,

Ислом КАРИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти.

***

17 март куни Дилфуза ўқийдиган лицейда катта тантана бўлиб ўтди. Унда Президентнинг давлат маслаҳатчиси ўринбосари А.Мелибоев Юртбошимизнинг мактубини ўқиб эшиттирди. Дилфузага Президентимиз номидан қимматбаҳо эсдалик совғаларини топширди. Тадбирда вилоят ҳокими Қ.Обидов қатнашди.

(ЎзА).

ЎЗБЕК ЙИГИТИ АМЕРИКАНИ ЗАБТ ЭТАДИ

Муҳаммадқодир АБДУЛЛАЕВ жаҳон боксида энг номдор спортчига айланиши мумкин

Андижонлик бу йигит ўн йилдан ошиқ вақт давомида рингда икки юзта жанг ўтказди ва ҳаваскорлар боксида барча юқори ўринларни эгаллади. Муҳаммадқодир Осиё, жаҳон ва Олимпия ўйинлари чемпиони унвонига эга. Ҳуллас ҳаммасига эришди. Энди нима қилиш керак? Ўйлашимизча, у ягона тўғри йўлни танлади, яъни ўзини профессионал рингда синаб кўришга қарор қилди.

Ҳозир М.Абдуллаев Лас-Вегас шаҳрида. Бу шаҳар нафақат ўйинлар бизнеси пойтахти, балки Америкининг бокс маркази ҳам ҳисобланади. Биз у билан телефон орқали боғландик. «Мен Лас-Вегасдаги шароитлардан мамнунман, - деди Муҳаммақодир. - Менежерларим профессионал кишилар бўлганликлари учун ҳам барча турмуш шароитларини яратиб беришган. Бизни алоҳида уйга жойлаштириб, ихтиёримизга автомобил беришди. Америкага энди-энди кўникаётган бўлсак-да, машғулотларни бошлаб юбордик. Машғулот зали эса жуда чиройли. Менинг янги мураббийим Кенни Адамс ҳақида эшитган эдим: у юқори малакали мутахассис экан, мен унга ишонаман. Имкониятдан фойдаланиб, АИБА раҳбариятида Ўзбекистон номидан иш юритаётган ҳомийларимга профессионал боксчи сифатида маҳоратимни намойиш этишга имконият яратиб беришгани учун газета орқали ўз миннатдорлигимни билдирмоқчиман. Профессионал боксда юқори чўққиларга эришсам, ғалабаларимни жонажон Ватанимга, ўз ҳомийларимга бағишлайман».

Кенни Адамс профессионал боксдаги мураббийлик фаолияти давомида саккиз нафар чемпион тайёрлаган. Замонавий боксда энг кучли мутахассислардан бири ҳисобланади. Шу боис Муҳаммадқодирнинг менежерлари айнан уни танлашди. Телефон орқали гаплашганимда бундан Адамснинг ўзи ҳам мамнун эканини айтди. Ҳаваскор чемпионаларни профессионал даражага етказишга ихисослашган таниқли мутахассис Сидней Олимпиадаси рингларида бўлиб ўтган жангларни диққат билан кузатди. М.Абдуллаев профессионал боксда истиқболи порлоқ дея эътироф этилаётган америкалик Вильямсни осонлик билан мағлубиятга учратгандан сўнг ундан талантлироқ Муҳаммадқодирни ўзига шогирдликка олишга қаттиқ қизиқиб қолди.

«Кўнглимдаги Яратганга аён бўлди», - дейди мураббий. Кенни Адамснинг гапларига қараганда, ҳозирча Муҳаммадқодирни Америкада ҳеч ким танимаслиги унга жуда қўл келади. Бу эса боксчини янада қатъийлик билан жанг олиб боришга мажбур қилади. Абдуллаев Қўшма Штатларга «чемпион бўлишга» келгани ҳеч кимга сир эмас. Буни спортчининг ўзи ҳам, янги мураббийи ҳам яшираётгани йўқ. Муҳаммад-қодирнинг профессионаллик фаолияти расман апрел ойидан бошланади. Бунда у Қўшма Штатларда таниқли бўлган, ушбу вазнда жаҳон чемпиони Шаҳзода Насим Ҳамед ва Марко Антониа Баррера билан бўлиб ўтадиган асосий матчгача дастлабки жангларда иштирок этади. Профессионал рингдаги илк жанги қандай тугашидан қатъи назар, Абдуллаев Шаҳзода Насим билан учрашиб, уни енгишга аҳд қилган. Бунинг учун бироз вақт керак. Қоидага кўра асосий учрашувгача бир қанча беллашувлар ўтказиш лозим. Мураббийнинг айтишича, ушбу вазн тоифасидаги жаҳоннинг икки машҳур боксчиси Шаҳзода Насим ва Абдуллаев ўртасидаги жанг бир ярим - икки йилдан сўнггина бўлиб ўтади. Профессионал боксда спортчи йилига ўн-ўн иккитадан учрашув ўтказади, чемпион билан «юзма-юз» келиш ва чемпионлик унвони учун курашиш ҳуқуқини қўлга киритишга қадар эса камида ўн олтита учрашув бўлиб ўтади.

«Муҳаммадқодир барча имкониятларга эга,- деб ҳисоблайди Адамс.- У ҳақиқий ҳужумчи: қатъиятли, зарби аниқ ва шиддаткор. Рингда у ниҳоятда тажовузкор. Унинг тазйиқига дош бериш мушкул», - деб хулоса қилди мураббий.

Америкадан олинган дастлабки маълумотлар, жумладан, матбуот хабарларига кўра, ёш ўзбек боксчиси кўпчиликда чуқур таассурот қолдирмоқда. Америкалик боксчилардан фарқли равишда у мураббий кўрсатмаларига қатъий амал қилади, ҳар бир нозик жиҳатни эътибордан қочирмасликка ҳаракат қилади. Бу ерда АҚШга тажриба оширишга келган айрим спортчиларнинг «юлдузлик» касалига мубтало бўлиб қолганликларини ҳам яхши билишади. Абдуллаев эса меҳнатсеварлиги, тиришқоқлиги ва юксак интизоми билан ажралиб туради. У билан бирга машҳур «Рингсайд Жим» спорт залида яна бир ўзбекистонлик спортчи - Руслан Чагаев шуғулланмоқда. У ёзда ҳаваскорлар ўртасида бўладиган жаҳон чемпионатига тайёргарлик кўрмоқда. Руслан ҳам спорт ишқибозлари ишончини оқлашга интилмоқда.

Абдуллаев ҳам жисмоний, ҳам техник жиҳатдан етук спортчи. Мураббий фикрича, боксчи техникаси бир оз такомиллаштирилса, кифоя.

«Муҳаммадқодирнинг исмини айтиш қийинроқ, - дейди Кенни Адамс, - шунга қарамай тез эсда қолади». Америкалик мураббийнинг ишонч билан айтишича, ўзбекистонлик спортчи жаҳон боксидаги ёркин юлдузлардан бирига айланиши мумкин.

Валерий БИРЮКОВ,
«Труд» газетасининг махсус мухбири.
Тошкент- Лас-Вегас.
(«Труд» газетасининг 2001 йил 17 март сонидан олинди).

Касаба уюшма ҳаёти

Бўлимда 26 нафар ишчи-хизматчи бўлиб, улар 6 та АТСда аҳолига намунали хизмат кўрсатишяпти. Масалан, И.Дўрмонов номли ширкат хўжалиги марказдан 70 чақирим узоқликда жойлашган. У ерлик аҳоли мамлакатимизнинг турли бурчаги ҳамда хорижий мамлакатлари билан сим орқали бемалол гаплашаверишади. Шунингдек, «Дўстлик», «Халқобод», «Янгиариқ» ширкат хўжаликлари, «Жайронхона» даволаш масканидаги АТСларнинг ҳам бир маромда ишлаши таъминланган.

ИЛҒОРЛАР ОЙЛИГИГА

40 фоиз қўшимча

Бунинг сабаби, ходимларга қулай иш шароитлари яратилганидадир. Меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя қилиш учун 2000-2001 йилларга мўлжаллаб тузилган жамоа шартномасига тўлиқ амал қилинаётир. Вақтида маош тўланади. Вазифасини сидқидилдан адо этаётганлар 40 фоиз қўшимча ҳақ оладилар. Бундан ташқари овқат пули алоҳида тўланади. Меҳнат таътилига чиқаётганларга соғлиғини тиклаш учун маошидан кам бўлмаган миқдорда моддий ёрдам берилади. Шунингдек, оила қураётган ёшлар энг кам иш ҳақининг 10 баравари миқдорида, бир ойдан ортиқ вақт мобайнида бетоб бўлганлар 4 баравари даражасида ёрдам пули олишади.

Ушбу корхонада камида 15 йил ишлаб нафақага чиққанларнинг телефон ва радионуқтаси учун 100 фоиз абонентлик ҳақини ишхона тўлайди. «Оналар ва болалар йили» муносабати билан, ҳар 2 ойда 3 ёшгача боласи бўлган таътилдаги оналарга маълум миқдорда ёрдам пули ажратилади. Қарамоғида 4 ва ундан ортиқ фарзанди бор аёлларга энг кам иш ҳақининг 3 баравари миқдорида кўмак пули тўлаш йўлга қўйилган. Кечки сменада ишловчиларга қўшимча иш ҳақи ёзилади.

Инсон иззат-ҳурматини ўрнига қўйишга алоҳида эътибор беряпмиз. Яқинда ходимлардан 7 нафарига кийим бош олиб бердик. Ишчи-хизматчиларга кунига бир литр сут ва қатиқ бепул берилади. Тез-тез маданий ва спорт тадбирлари уюштирамиз. Наврўз муносабати билан футбол, волейбол, стол тенниси, сакраш, югуриш мусобақалари ўтказиб, ғолиблар муносиб тақдирланди. Бу соғлом турмуш тарзи қарор топишида муҳим омил бўлмоқда. Жисмонан ва руҳан тетик бўлган кишиларнинг эса иши доим унумли бўлади.

Улуғбек ҚАЮМОВ,
«Сурхондарётелеком» шўъба корхонаси Термиз тумани бўлими касабақўми раиси.

Бундан икки йил аввал Фурқат туманидаги «Қўқон» хўжалиги ҳақида яхши гап айтиш мушкул эди. Негаки, хўжалик санацияга тушиб, унинг барча соҳаларида муаммолар кўпайди.

Айни кунда эса ушбу хўжалик фаолияти тўғрисида гапирадиган бўлсак, анчайин ютуқларга эришилганлигини кўриш мумкин. Жумладан, хўжаликда анча вақтдан буён фойдаланилмаётган мевани қайта ишлаш, ғишт, тикувчилик ва тўқувчилик цехлари яна ишга туширилди. Бу эса 100 нафардан зиёд қишлоқ ёшларини иш билан таъминлади.

Суратларда: (чапдан) тикувчилар Хуршида Аҳмедова ва Феруза Деҳқонова; тажрибали ишчи Муроджон Қурбонов.

Ш.ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар.

Ижтимоий ҳимоя

УСТОЗЛАР СОҒ БЎЛИШСИН

Ўқитувчилик касби шарафли ва масъулиятли. У соҳа кишисидан тинмай ўз устида ишлашни, фандаги ҳар бир янгиликдан мунтазам хабардор бўлиб боришни тақозо этади. Ёш авлодга билим ва тарбия бериб ўғил-қизларни катта ҳаётга тайёрлайди. Шундай экан, шарафли касб эгаларига ҳар қанча ғамхўрлик кўрсатса арзийди.

Туманимизда айни пайтда 28 та мактаб, 5 та мактабдан ташқари таълим маскани, 36 та мактабгача тарбия муассасаси фаолият кўрсатмоқда. 4650 нафар касаба уюшма аъзоимиз бор. Уларнинг ҳаммаси мустаҳкам ижтимоий ҳимояга олинган. Барчалари билан меҳнат шартномаси тузилган. Маданий-маиший тадбирлар шунга асосан олиб борилаётир.

Тасдиқланган режага мувофиқ ўқитувчилар баҳорги, ёзги ва кузги таътил кунлари дам олишга юборилади. Баҳорги ҳамда кузги таътил даври қисқа бўлганлиги сабабли битта йўлланма билан икки-уч нафар мураббий сиҳатгоҳларга бориб саломатлигини тиклайди. Ҳозир ўқувчиларнинг баҳорги таътили мусобақаси билан халқ таълими ходимларига 10 та йўлланма ажратилди. Яъни, 30 нафар педагог шифо масканларида дам олиб қайтади.

Кузги таътил кунлари эса устозларнинг бир гуруҳига «Бўстон», «Хумсон», «Ботаника» ҳамда Янгийўл ва Чирчиқдаги санаторий-профилакторийларга йўлланма берилди.

Ўғил-қизларимизни соғломлаштириш ишларига ҳам эътиборни кучайтирямиз. Баҳорги таътилда уларнинг бир гуруҳи оромгоҳларга бориб, вақтларини мазмунли ўтказишяпти. Бу, албатта, келажакда ўз ижобий самарасини беради. Кам таъминланган оилалар фарзандларига 304 минг сўмлик моддий ёрдам берилди.

Меҳр-оқибат устун жойда тотувлик бўлади, дейдилар. Бундай жойдан барака аримайди. Нафақага чиққан муаллимлар ҳолидан доим хабар олиб турамиз. Ҳар байрамда, туғилган кунларида совға-саломлар тарқатамиз. Уларни ҳам навбати билан дам олиш уйлари, сиҳатгоҳларга юборамиз.

Умуман йилнинг ўтган даври мобайнида 46 нафар ходим сиҳатгоҳларда, 40 нафари дам олиш уйлари, 13 нафари оилавий бўлиб ҳордиқ чиқардилар. Баҳор ва ёз мавсумларида эса яна кўплаб педагоглар соғлиғини мустаҳкамлаш тадбирларини белгилаганмиз.

Татьяна ТЎХТАЕВА,
Сирғали тумани таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси.

БОЛАЛАРНИНГ БАЙРАМ ҚУВОНЧИ

Умумхалқ байрами - Наврўз арафасида мамлакатимиздаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига Президентимиз номидан совға-салом улашиш, кам таъминланган оилалар, тиббий муассасаларга моддий ёрдам кўрсатиш, нуроний отахон ва онахонлардан кўнгил сўраш, улар учун байрам дастурхони ёзиш яхши анъана бўлиб қолган. Зеро, халқимизга хос бу олижаноб фазилатлар айни мустақиллик йилларида қайта тикланди ва янги мазмун-моҳият билан бойиб бормоқда.

Наврўз арафасида Тошкентдаги 21, 23, 24, 30, 104-меҳрибонлик уйлари болаларига Тошкент шаҳар ҳокимлиги вакиллари томонидан шундай совғалар - кийим-кечак, ўқув қуроллари, китоблардан иборат ажойиб туҳфалар тантанали топширилди.

Тадбирларда юртимизда ёш авлоднинг соғлом ва баркамол инсон бўлиб вояга етиши ҳамиша ҳукуматимиз диққат-эътиборида бўлиб келаётгани, ана шу эзгу мақсад йўлида улкан ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Тантаналарда болалар Наврўз байрами учун махсус тайёрлаган мусиқий дастурларини намойиш этдилар.

Сабоқ

"ҚОНУННИ БИЛМАСЛИГИМ ПАНД БЕРДИ"

Унинг нигоҳлари ерга қадалган. Кимдир ёндан, кимдир рўпарада ўтириб унинг сувратини қоғозга туширмоқда. Ижодкорнинг дили шу қадар соф, шу қадар тозаки... Хонада эса қаламнинг шивиридан бўлак сас йўқ. Бехос эшик очилади-ю кимдир киради. Гўё улкан ложувард қандил шифтдан узилиб, ерга қулагандай бўлади...

— 1 ноябр куни ўринбосарим тўсатдан ишга чақириб ўзингиз келмасангиз бўлмайди, лицей ошхонасида ғалати ишлар бўлаяпти, деб қолди, - ҳикоя қилади Жиззах шаҳридаги тасвирий ва амалий санъат лицей-интернати директори Солижон Сулаймонов. - Ишхонага келдиму ҳанг-манг бўлиб қолдим. Ошпазлар маҳсулотларнинг бир қисмини уйларига олиб кетиш учун тайёрлаб қўйишибди. Дарров комиссия тузиб, бу ҳолни ҳужжатлаштириб қўйдик.

У бир қанча қоғозларни кўрсатди. Улар орасида Муҳаррам Ҳазратқулова, Гулнора Каримова ва Моҳира Ҳусановаларни Меҳнат кодексининг 100-модда 4-бандига кўра ишдан бўшатилганлиги тўғрисидаги буйруқ ҳам бор эди. Ҳужжат ўтган йили 3 ноябрда имзоланган.

Сизларга қўйилган айблар тўғрими, деб сўрадим лицейнинг собиқ ходимларидан. Улар дастлаб эътироз билдиришди-ю кейин тушунтириш хатларини кўргач, қизариб кетишди. Начора, ҳужжат ҳужжат-да. Ундан тониш мушкул. Муаллимларнинг айтишича, улар ноябрда бўлган умумий йиғилишида ҳам ортиқча эътироз билдира олмаган, шу асосда буйруқ чиққан экан.

— Қонунни билмаслигимиз панд берди, - дейди лицей раҳбари. - Бугун уларни ишга қайта тиклашга мажбурман. Буни вилоят касаба уюшмалари Кенгаши бўлим бошлиғи Турғунбой Ниёзов кўрсатиб берди. Ўқув жараёнини сифатли ташкил этамиз, дебманингиз лицей обрўсини ҳам ўйладим. Шов-шув кўтарилса, раҳмат айтишмайди, албатта. Андишанинг оқибатини кўриб турибсиз. Аммо мени ҳозир бошқа бир нарса ташвишга солаяпти. Бўшатиш ҳақидаги буйруқ бекор бўлди, буниси ички тартиб-қоидаларни ишлаб чиқиш ёддан кўтарилибди. Бусиз ходимни ишдан бўшатиб бўлмас экан. Сўнг меҳнат дафтарчасига ишдан бўшаш сабаби ёзилмаслиги кераклигига ҳам амал қилмабмиз. Қонунни билмасликдан-да бу.

— Агар раҳбар ўз хатосини тушунмаганда биз тақдимнома киритишга мажбур бўлар эдик, - дейди биз билан суҳбатда Турғун ака Ниёзов. - Қонун барча учун баробар. Уни яхши билмаган кишигина қоқилади. Агар ички меҳнат тартиб-қоидалари пухта ишлаб чиқилиб, бу масала ўз вақтида лицей касаба уюшма қўмитаси йиғилишида кўриб чиқилганда ва шунга асосан чора қўлланилганда эди, ҳаммаси қонуний бўларди. Афсуски, лицей маъмурияти бу нарсага эътибор бермаган. Энди ўзлари ташмачиликда айблаб муҳокама қилган кишилардан бугун кечирим сўрашга мажбур.

— Очиғини айтсам, ўша маҳалда милицияга мурожаат қилсам ҳам бўларди. Шайтонга ҳай бердим, - гапга аралашди Солижон ака. - Ке қўй, бир жойданмиз, бировнинг бурнини қонатиб нима қиламан. Ўзлари пушаймон бўлиб ўтиришибди-ку, дедим. Кейинчалик ишдан бўшатилганлиги ҳақиқий ҳолатни — қаерда қонун бузилгану ким бунга шароит яратиб берган, барчасини тушунтириб беришди.

— Яна бир масалага эътиборингизни қаратмоқчиман. Ишдан бўшатиш тўғрисидаги буйруқ чиқарилгач, агар ишловчи ўзига етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплашни талаб қилса, бу ҳам қондирилади. Корхона ҳисобидан эмас, ким қонунни бузган бўлса, ўшанинг ҳисобидан, - дейди Турғун ака Ниёзов қўшимча изоҳ бериб. - Ўзаро келишилса, бу талаб қўйилмаслиги ҳам мумкин. 1 ноябрда ходимлар томонидан қилинган қоидабузарликка келсак, бу масалани бир ойлик муддат ўтиб кетганлиги боис энди муҳокама қилиб бўлмайди.

Мана, сизга қонуний якун. Бизнинг эса ниятимиз битта — ишқилиб жамоада аҳиллик бўлсин. Чунки шу кунга қадар турли даражадаги комиссиялар келавериб одамларнинг тинкасини қуритди. Бири келиб ҳужжатларни ўрганиб тўғри қилибсизлар, деса, яна бири хулоса чиқаришга шошгансиз, дейди. Лицейда эса ҳар сафар шов-шув — текшираётганмиш, директорни ишдан олармиш ва ҳоказо. Республика Бадиий академияси раҳбарлари ўз тасарруфларидаги лицейдаги аҳволга томошабин бўлиб турмадилару, лекин машмашага нуқта қўя олишмади. Раҳбарга ишонишди, директор эса сўзидан қайтишни истамай вилоят раҳбарларига-да аччиқ-тизгин гапларни айтиб юборди. У ёғини тушунгандирсиз. Агар Бадиий академия ўзига қарашли ўқув даргоҳлари раҳбарларининг ҳуқуқий билимига вақтида эътибор берганида, бу гаплар йўқ эди. Аммо улар бугун ҳам бу соҳада айтарли иш қилишгани йўқ. Лицейда нотўғри чиқарилган ҳужжатларнинг ҳақиқий баҳосини вилоят касаба уюшмалари ходимлари берганининг сабаби ҳам аслида шунда.

Бир неча ойдан буён давом этаётган дилхираликка ниҳоят нуқта қўйиладиган бўлди. Енгил нафас олиб ўқувчиларнинг ижодий иши билан таниша бошладик. Кишининг ҳавасини келтиради. Ҳайкалчалар, турли манзаралар, оламшумул асарларга ҳавасманд чизилган расмлар. Уларда инсон қалби, унинг ўй-ният, мақсадлари мужассам. Яратувчанлик эса бир дақиқа бўлсин тўхтагани йўқ. Беҳосдан жонли манзара чизилаётган хона эшигига келиб қолдим. Ҳаддим сиғмади киришга, деразадан тикилиб турибману ўйлайман: безовта қилиб бўладими уларни, ахир...

Абдунаби АЛИҚУЛОВ.

Газетхон илтимосига кўра

ЯНА ПЕНСИЯ ХУСУСИДА

Саволингизга ҳуқуқшунос Гулнора МУРОДОВА жавоб беради

САВОЛ: 1998 йил 1 июлдан пенсионерларнинг пенсия миқдорлари Президент Фармонига мувофиқ 1,6 баробарга оширилган эди. Лекин Хўжаобод туман ижтимоий таъминот бўлимидагилар баъзи пенсионерларга вилоят ижтимоий таъминот бошқармаси раҳбарлари «Пенсионерларга пенсия миқдорларини 30 фоиздан ошмасин» деган буйруқ берган, деган баҳона билан баъзиларнинг пенсияларини 30 фоизга оширишди. Хўш, улар шундай қилишга ҳақлими?

Х.МЎЙДИНОВ,
Андижон вилояти.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 июндаги «Иш ҳақи, пенсия ва стипендиялар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармонига асосан 1998 йил 1 июлдан бошлаб, иш ҳақининг, ёшга доир пенсиянинг ва ижтимоий нафақаларнинг энг кам миқдорлари қуйидагича белгиланди:

- иш ҳақи - 1100 сўм;
- ёшга доир меҳнат пенсияси - 2100 сўм;
- болаликдан ногиронлар учун нафақалар - 2100 сўм;
- зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ва ногиронларнинг нафақалари 1275 сўм.

Шунингдек, 1998 йил 1 июлдан бошлаб барча турдаги пенсияларнинг миқдори ўртача 1,6 баробарга оширилди.

Шуни айтиш жоизки, юқоридаги Фармонга мувофиқ турли йилларда тайинланган пенсиялар миқдорини тенглаштириш мақсадида 1991 йил 1 январгача тайинланган барча турдаги пенсиялар миқдори ўртача 1,7 баробарга, 1991йил 1 январдан бошлаб тайинланган барча турдаги пенсиялар миқдори эса ўртача 1,5 баробарга оширилди.

Пенсиялар миқдорини 1998 йил 1 июлдан қайта ҳисоблаш учун Республика Молия, Ижтимоий таъминот вазирликлари билан биргаликда ишлаб чиқилган ва ҳукумат томонидан тасдиқланган пенсияларни қайта ҳисоблаш юзасидан янги тузатувчи коэффициентлар белгиланган. Бундан кўзда тутилган мақсад турли йилларда тайинланган пенсиялар орасидаги тафовутни, аникроқ қилиб айтадиган бўлсак, айрим адолатсизликларни бартараф этишдан иборат эди.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, вилоят ижтимоий таъминот бошқармаси туман ижтимоий таъминот бўлимларига айримларнинг пенсияларини 30 фоизга ошириш ҳақида буйруқ беришга ҳақли эмас.

1998 йил 1 июлдан ҳозирги даврга-ча Президент Фармонига мувофиқ пенсияларнинг миқдорлари бир неча бор оширилди. 1998 йил 25 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 1 январдан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорларини ўрта ҳисобда 1,2 баравар оширилиши тўғрисидаги Фармони;

1999 йил 19 июлдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 1 августдан бошлаб иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдорини ўрта ҳисобда 1,4 баравар оширилиши тўғрисидаги Фармони;

2000 йил 23 июндаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 1 августдан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ўрта ҳисобда 1,5 баравар оширилиши тўғрисидаги Фармони фикримиз далилидир. Ушбу Фармон ҳозирги даврда ҳам амалда.

Агар Сизнинг пенсиянгиз 1998 йил 1 июлда нотўғри ҳисобланган бўлса, кейинги Фармонлар бўйича ушбу камчиликлар бартараф этилиши керак.

ЧОЛҚИШЛОҚҚА ГАЗ КЕЛДИ

Жиззах вилоятининг Зомин тумани меҳнаткашлари ҳам халқимизнинг азалий байрами - Наврўзга ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўришмоқда. Бу ерда байрам шарафига бир қатор иншоотлар қурилиб, фойдаланишга топширилаётир. Айниқса, тоғли ҳудудда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида хонадонларни газлаштириш ва ичимлик сув билан таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Куни кеча туманнинг олис қишлоқларидан бири - Чолқишлоққа «зангори олов» етиб борди. Бу иш осонликча амалга ошгани йўқ. Уй-жой қурилиши бошқармаси бунёдкорлари бунинг учун қарийб 5 километр масофага ўрта босимли газ қувурлари ётқизиб чиқди.

(ЎзА).

Очиқ турдаги «Далворзин» пахта тозалаш заводи ҳиссадорлик жамиятида 464 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Уларнинг 124 нафари хотин-қизлардир. «Оналар ва болалар йили»да корхона касаба уюшма қўмитаси ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари билан яхши ишлаб кўнгилли дам олишлари учун зарур шароитлар яратиляпти.

Жамоада илғорлар муносиб рағбатлантирилади. Ўтган йили меҳнат баҳси ғолибларига 1 миллион 707 минг сўм мукофот пули тарқатилди. Жамият меҳнаткашлари фарзандларини соғломлаштириш мақсадида 47 нафар ўғил-қиз Бекобод туманидаги «Аланга» болалар оромгоҳида, 17 нафари «Лола»да бепул дам олдирилди.

Шунингдек, кам таъминланган оилаларга озиқ-овқат маҳсулотлари, 100 минг сўм пул тарқатилди. Меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлиги учун 4 миллион 400 минг сўм сарфланди.

Суратда: (ўнгдан) ишчи Илҳом Бобоев, касаба уюшма қўмитаси раиси Турсунали Сотиболдиев, жамият аъзолари Давлат Худойназаров ва Равшан Абдуназаров билан ишларнинг бориши хусусида сўзлашишмоқда.

Даврон АҲМАД олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН ЕНГИЛ, МЕБЕЛ САНОАТИ ВА КОММУНАЛ - МАИШИЙ ХИЗМАТ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ

Фидокор халқимизни ҳамда соҳа ходимларини энг улуғ, энг қадрли байрам-

НАВРЎЗ

ва коммунал хизмат ходимлари куни билан самимий қутлайди!

Озод ва обод Ватанимиз равнақи йўлидаги меҳнатингиз баракали бўлсин!

ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛ ТРАНСПОРТИ ВА ЙЎЛ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ



Барча-барчани зўр шоду хуррамлик ила қарши олинаётган

НАВРЎЗ

байрами билан самимий мубораквод этади!

«ҚУВАМЕБЕЛ» ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ

Шу азиз ва мўътабар Ватанда истиқомат қилаётган юртдошларимизни

Навруз

байрами билан табриклайди!

Барча фуқароларга сиҳат-саломатлик, бахту саодат тилайди! Юртимиз осмони доимо мусаффо бўлсин!

Соҳибқирон Амир Темур ҳақида

ХУШСУРАТ «ЙИГИТЧА»

Муҳаммад Тарағай оғир хасталикка чалиниб ётиб қолади, худди шу пайтда Амир Қозағон юрт амирларини ҳузурига чорлайди.

Темурбек бўй чўзиб қолган эди. Муҳаммад Тарағай кўпдан-кўп маслаҳатлар бериб, насиҳатлар қилиб, уни хон саройига жўнатади.

Темурбек ўзининг ўткир ақл-идроки, одоб-ахлоқи билан Амир Қозағоннинг назарига тушади. Хон зукко бу йигитга алоҳида меҳр билан қарай бошлайди. Саройда у Ўлжой Туркон билан танишади. Ўлжой Турконнинг асл исми Камолой бўлиб, жанговар, иродали қиз эди, доимо навкарлардек жанговар кийимда юрар, ниҳоятда хушсурат бу «йигитча» Темурбекнинг ҳайратини оширарди.

Бир куни хон қиличбозлик кўригини ўтказади. Темурбек ҳаммадан устун келади. Хон уни олқишлайди. Аммо шу лаҳзада ҳалиги хушсурат «йигитча» майдонда пайдо бўлади.

Хон аввалига қовоғини уйди, сўнг Темурбекнинг довдираб турганини кўриб, жилмайди-да, «йигитча»га қараб:

— Бу ҳаракатингизни не деб баҳолайсиз, улуғим? — деб сўради ширали оҳангда.

— Сарой паҳлавонларининг хаталарини тузатмоқ бурчимдир, — жавоб қилди у.

Хон «бошланг» дегандек ишора берди.

Ё алҳазар, йигит кўзининг шунчалик жилвагар бўлишини биринчи кўриши!

«Йигитча» Темурбекнинг қиличи дастасига зарба урди. Соҳибқироннинг қўли зириллаб, қалби оҳ урганини ўзи ҳам сезмай қолди. Қилич тарақлаганча ерга — ғишт йўлак устига тушди.

Темурбек тош қотди.

Хон қарсак чалди:

— Офарин!

«Йигитча» унга таъзим бажо айлади-да, югурганча даврадан чиқиб кетди.

Бир куни хон кўнгли ов истаб қолди. Карнай-сурнайларнинг ғат-ғути-ю, ноғораларнинг гумбурлаган овозлари бутун бошли кенг дарани ларзага келтирди.

«Йигитча» билан Темурбек олдинмакетин от суриб боришарди. Тўсатдан қоядаги кўм-кўк катта арча остидан, одам бўйи ўт-ўлан, гиёҳлар орасидан икки кийик отилиб чиқди. Кийиклардан бири — йирик, оёқлари узун, чопқир эди, бирпасда кўздан ғойиб бўлди.

Темурбек ҳам, «йигитча» ҳам иккинчи кийикка бараварига камон отишди. Ўқлар зувиллаб учди ва кўз очиб-юмгунча кийикнинг орқа оёғига қадалди.

Кийик оёқларини судраб, катта оқтош панасига ўзини олмоқчи бўлганда, «йигитча» тез югураётган оти устидан энгашиб, уни ўнгарига олди, кутилмаганда бошидаги мовий дубулға ерга учиб тушди: бир ўрам оч қўнғир, қорамтир сочлари елкасига тушиб, офтоб нурида кўзни қамаштирди.

Темурбек ҳайратдан ёқа ушлади:

— Сиз?..

— Маъзур тутгайсиз, бек жаноблари, сиримни ошкор қилишни ор билурмен! — қиз ўйноқлаб турган отнинг жиловини тортди.

Темурбек қаршисидаги юзлари ойдек чарақлаб турган дилбарга ҳам ҳайрат, ҳам ҳаяжон билан назар соларкан:

— Жасоратингиздан бағоят мамнунман, — дея таъзим қилди.

Шу воқеадан сўнг Темурбек ҳам, Ўлжой Туркон ҳам бир-бирларига алоҳида меҳр билан қарай бошладилар. Ўз даврининг ҳар икки жасоратли, чиройли, тўғрисўз ёши қалбан бир-бирларига яқинлашдилар.

Хон қароргоҳида ўтказилган навбатдаги қиличбозлик жангида Темурбек Ўлжой Туркондан яна енгилади. Қозағон қизиқиб бунинг сабабини сўраганда, Темурбек:

— Мен аллақачон енгилиб бўлганман, ҳоқоним! — деб жавоб беради.

Тўлқин ҲАЙИТ,
Фахриддин АШРАФХЎЖАЕВ.

Инсон умр бўйи бахтга интилиб яшайди. Хива туманидаги Чаношиқ қишлоғида яшовчи 103 ёшли Бекжон ота Полвонов ўз орзусига эришган табаррук инсонлардан бири. Айни пайтда бобо фарзандлари, невара-чеваралари даврасида файзли хонадонни нурга тўлдириб умргузаронлик қилмоқда.

Суратда: Бекжон ота ўғил-қизлари даврасида.

Р.ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат.

ҲИКМАТЛАР

Ҳар қандай мушкул иш ақл эгалари туфайли ислоҳ қилинур, чунончи еру кўк фақат ўз теграси қутблари атрофида айланар.

***

Ҳалол-покиза киши хотиржаму тинчликдадир, бировга хиёнату ёмонлик қиладиган киши эса ҳалокатга гирифтордир.

***

Такаббурлик ҳеч бир кимсанинг қадр-қиммати ва улуғворлигини зиёда қилмайди, у бор-йўғи довул ичидаги шамолдан бошқа нарса эмас.

Аз-ЗАМАХШАРИЙ.

Таассуф

Доно халқимиз «Дардни яширсанг, иситмаси ошкор қилади», дейди. Ҳақ гап. Негадир биз табиатан дардимизни ичга ютишга ўрганганмиз. Аммо ҳар нарсанинг ҳам чеки-чегараси бор-да.

ДАРДНИ ЯШИРСАНГ...

Нафсиламбирини айтганда, ҳукуматимизнинг биз - аёлларга кўрсатаётган ғамхўрликларидан беҳад миннатдормиз. «Оила йили», «Аёллар йили», «Соғлом авлод йили» шиорлари остида олиб борилган барча эзгу ишларнинг ўзак-негизида ҳам аёлларга эътибор ётади.

2001 йилнинг «Оналар ва болалар йили» деб эълон қилинишини айтмайсизми. Демакки, бошлаб қўйилган қатор эзгуликлар давом эттирилиши, янгиликлар амалга оширилиши турган гап.

Бироқ бундай илиқ фикрларни Бўстонлиқ қишлоғидаги «Бўстонлиқ» ширкат хўжалиги ҳақида айта олмаймиз. Чунки бу жамоада на оналарга ва на-да болаларга шароитлар яратилган.

Биргина болалар боғчаси муаммосини олиб кўринг. Болаларимизни опичлаб, бир неча чақирим узоқликдаги боғчага олиб боришга мажбурмиз. Негаки, қанчадан-қанча маблағ сарфланиб қурилган 12 гуруҳдан иборат ёнгинамиздаги боғча неча йилдирки ишламайди. Ундаги мебеллару болалар ўйинчоқлари, кўргазмали қуроллару асбоб-ускуналар, қўйинг-чи, боғчага тегишли нарсалар эгасизлигу хўжасизликдан изсиз йўқолиб кетди.

Бир пайтлар «Юлдузча» деб номланган болалар боғчасини кўриб, одамнинг баҳри дили очилиб кетарди. Турли-туман гуллар билан безанган боғчада шўх-шодон болаларнинг қийқириқлари қалбларни қувонтирарди. Болаларимизни олий ва ўрта махсус маълумотга эга тарбиячилар меҳр билан тарбиялашиб, жонажон мактаб қучоғига кузатишарди.

Боғчанинг аҳволига бир ачинсак, ҳашаматли клуб биносини кўриб яна бир ачинамиз. Чунки унинг аҳволи боғчаникидан ҳам ташвишли аҳволда. Хўжалик меҳнаткашлари қаёққа боришни ва ором онларида нима билан шуғулланишни билишмайди. Айниқса, ёшларимиздан хавотирдамиз. Ахир, ҳамма бўлмағур ишлар бекорчилигу зерикишдан келиб чиқади-да...

Айтаверсак гап кўп. Уларнинг барини достон қилиш унчалик ҳам шарт эмасдир. Ҳасрат халтамизни очишдан мақсад эса «Оналар ва болалар йили»да бизга ҳам озгина бўлса-да, эътибор қилинар деган умиддамиз.

Оналар сўзини оққа кўчирувчи:
Жасур ОХУНОВ,
«Ишонч» мухбири.

Премьера

«БАХТ ҚАДРИ»

Тошкентдаги «Киночилар уйи»да «Бахт қадри» бадиий филмининг премьераси бўлиб ўтди. Таниқли кинорежиссёр Юрий Собитов суратга олган ушбу филмда шаҳарда истиқомат қилувчи аёл ҳаёти, унинг мураккаб тақдири, бошига тушган савдолари акс эттирилган. Экран қаҳрамони ҳар қандай мушкул вазиятда ҳам ўзининг жамиятдаги муносиб ўрнини топишга ҳаракат қилади ва бунга эришади ҳам.

Филм бош қаҳрамони - Лола сиймосини ўзининг истеъдодини табора кенгроқ намоён этиб келаётган ёш шифокор ва актриса Асал Хўжаева ижро этган. Шунингдек, Мурод Ражабов, Шоҳида Исмоилова, Нозим Тўлахўжаев, Хайрулла Саъдиев сингари эл назарига тушган санъаткорларнинг иштироки ҳам «Бахт қадри»нинг муваффақиятли чиқишига хизмат қилган.

Н.УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

Касаба уюшма спорти

ҒОЛИБЛАР — ХАЛҚАРО ТУРНИР ИШТИРОКЧИСИ

Термиз шаҳрида мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб вилоят касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти ҳамда кураш федерацияси ташаббуси билан миллий кураш бўйича вилоят чемпионати бўлиб ўтди. Унда барча туманлар вакиллари ҳамда Термиз Давлат университетининг «Саломатлик» клуби шуғулланувчилари 6 вазн тоифасида ғолиблик учун кураш олиб бордилар.

Миллий кураш

60 килограмм вазндаги полвонлар ўртасида термизлик Сухроб Дўстов, шўрчилик Қаҳрамон Раҳимов ва Равшан Жабборовлар совриндорлар сафидан жой олишди. 66 ва 73 килограмм вазн тоифаларида Бахтиёр Эгамбердиев, Ҳикмат Аброев, Зокир Бўриев ҳамда Мақсуд Холов, Баҳром Авазов, Равшан Маҳмудовларга омад кулиб боқди.

81 килограмм вазнда жаҳон чемпиони Маҳтумқули Маҳмудов, 90 килограммлилар ўртасида Абдулла Авазов, 100 килограмм вазндаги полвонлар ўртасида Файзи Очиловлар вилоят чемпионлигини қўлга киритишди.

— Чемпионат ғолибларига ташкилотчиларнинг фахрий ёрлиқ ҳамда қиммат-баҳо совғалари тақдим этилди. Ғолиблар яқинда бошланадиган Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган халқаро турнирда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлишди, — дейди вилоят касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти раиси Рўзи Ўтаев.

Д.РУСТАМОВ.

«Олимпиада умидлари - 2001»

СОВҒАГА ГИЛАМ

Волейбол

Балиқчи тумани Ўрмонбек қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг спорт залида волейбол бўйича «Олимпиада умидлари - 2001» мусобақаларининг туман биринчилиги бўлиб ўтди. Биринчиликда туманнинг тўққизта қишлоқ фуқаролар йиғинидан келган ғолиб қизлар ва ўсмирлар жамоалари ўзаро беллашдилар.

Барча рақибларни мағлуб этган 8-мактаб қизлар жамоаси келгуси босқич мусобақаларига йўлланма олишди. Кейинги ўринларни 24- ҳамда 10-мактаб жамоалари эгаллашди.

Ўсмирлар ўртасидаги беллашувларда 5-мактаб жамоаси фахрли биринчи, 10- ва 1-мактаб волейболчилари иккинчи ҳамда учинчи ўринларга муносиб кўрилди.

Ғолиб жамоага халқ таълими бўлимининг махсус совғаси — гилам топширилди.

З.ШАҲОБИДДИНОВ.

Фахр

РИВОЯТГА КЎЧГАН МИНОРАЛАР

Жаннатмакон юртимизнинг қадим ва навқирон шаҳарларини миноралар сиз тасаввур этиш қийин. Бухоро, Хива, Кўҳна Урганч, Самарқандга йўлингиз тушиб қолса, сизга энг аввало осмонўпар миноралар таъзим қилиб ўз бағрига чорлайди. Ўй-хаёлингиз қандайдир сирли мўъжизалар оғушида қолиб, ҳайрат уммонига чўмасиз. Зеро, уларда заминимизнинг кўз илғамас зарраларидан тортиб, яшил гиёҳларнинг турфа бўёқлари, бобокуёшнинг заррин нурлари акс этган.

«Минора» арабча сўз бўлиб, «баланд иншоот» деган маънони англатади. Асосан масжид ва мадрасалар ёнида жойлаштирилган бу иншоотлардан сўфи беш вақт азон айтиб аҳли мусулмонни намозга чорлаган. Шунингдек, Буюк Ипак йўли йўналишида жойлашган кўҳна шаҳарларимиздаги миноларнинг энг юқори қисмида тунда карвонлар адашиб кетмаслигининг олдини олиш мақсадида чироқ ёқиб қўйилган. Бу чироқлар кечаси ҳатто 50-60 чақирим масофадан ҳам кўриниб тургани учун карвонлар ва йўловчилар уларни ўзларига маёқ билиб йўлларида давом этганлар.

Миноралар турли даврларда турли услуб ва кўринишда, баландликда бунёд этилган. Энг дастлабки миноралар IX асрга оид бўлиб, Афросиёб масжидининг шимолий девори ташқарисидан топилган. Лекин унинг яхши сақланмаганлиги бошланғич кўриниши ҳақида фикр юритиш имконини бермайди. Шунингдек, XII аср бошларида Тўқмоқ (ҳозирги Бишкек яқинида) шаҳрида, Кўҳна Урганч ва Термизда миноралар барпо этилган. Улардан Кўҳна Урганчдаги минора Ўрта Осиёда энг баланд ҳисобланиб, бўйи 62 метрни ташкил этади.

Миноралар ичида энг машҳури 1127 йилда Бухорода Қорахоний Арслонхон буюртмаси билан қад кўтарган Минораи Калон ҳисобланади. Унинг баландлиги 45,6 метр, 10 бурчакли пойдевор устидаги асосининг диаметри эса 9 метрга яқин. Жуда ҳам нафис ишланган бу иншоотнинг мезанадан пастроқ қисмида уни қурган устамеъмор Бақо номи кошинлар орасига яширинча ёзилган деб ҳисоблашади.

Тарихчиларнинг таъкидлашича, Хивадаги Калта Минор қурилиши ниҳоясига етказилганда, у жаҳондаги энг улкан, энг чиройли ва баланд минора бўлиб қолар экан. Афсуски, 1853 йилда Муҳаммад Аминхон ҳомийлигида (шу номли мадраса ёнида) бошланган қурилиш ишлари 1855 йили Шимолий Эронга юриш пайтида хоннинг ўлдирилиши ва Абдуллахоннинг тахтга ўтириши билан тўхтаб қолган. Бу машҳур миноралар тўғрисида халқ орасида бир қатор ривоят ва афсоналар юради.

Эмишки, Бухоро ҳукмдори Арслонхон шаҳардаги энг таниқли муҳандис меъмор Уста Бақони чақириб улкан минора қуришни топширади. Уста 10 метр чуқурликдаги пойдеворни тўртбурчак қилиб тарашланган харсанг тошлар билан ганчга туя сути қўшиб териб чиқади. Шундан кейин у уч йил ғойиб бўлади. Арслонхон уни қанчалик қидиртирмасин, топа олмайди. Кунларнинг бирида Уста Бақо яна иш жойида пайдо бўлади. Бундан хабар топган хон қилмишининг сабабини сўраганда уста шундай дейди:

— Улуғ амир! Агар мен қочиб кетмаганимда, ҳали яхши қуримаган пойдевор устида минорани тиклашга мажбур қилардингиз. Натижада у ўз оғирлиги билан қийшайиб қолар ёки бир неча йилдан сўнг қулаб тушарди. Бу албатта, сизнинг обрўйингизга таъсир қилган бўлурди. Энди пойдевор мустаҳкамланди. Аминманким, бўлажак меъморий обида сизнинг номингизни минг йилларга олиб ўтади.

Уста Бақо ўзи тузган лойиҳага биноан миноранинг баландлигини 45,6 метрга етказган. Энг ҳайратланарлиси, унинг пастидан то юқорисигача бир-биридан гўзал 14 та ҳалқа билан безаган.

Калта Минор тўғрисидаги ривоятда айтилишича эса, Хива хони шаҳарда улкан минора қуришни, унинг тепасидан Бухорои азим кўриниб туриши лозимлигини айтади. Бундан хабар топган амир усталар билан Бухорода бундан-да юксак минора қуриш тўғрисидаги яширин режасини тузади. Хон буни сезиб қолиб, усталарни ўлдиришга аҳд қилади. Шум ниятдан огоҳ бўлган усталар қурилишни чала қолдириб, ғойиб бўладилар... Бунда қандайдир ҳақиқат бордек. Зеро, минора чала ҳолида ҳам ҳайбатли ва кўркамдир.

Миноралар орасида энг ёши асримиз бошида — 1912 йилда қурилган. Баландлиги 57,5 метр бўлган миноранинг энг юқори қисмига бир юз йигирма зинадан чиқилади.

Шарқ меъморчилигининг тенгсиз жавоҳири бўлган миноралар, минг афсуски, мустамлака даврида оёқ-ости қилинди. Бу Черняев Туркистон миноларини тўпга тутган кундан то турғунлик йилларигача давом этди. Аммо аждодларимизнинг юксак ақл-заковати билан бунёд этилган, поклик, имонэътиқод рамзи бўлган миноларни қулатишга эриша олмадилар.



Юртимизда бугун яна миноралар қад кўтармоқда. Ватанимиз мустақилликка эришгандан кейин бу бетакрор обидаларга иккинчи умр бахшида этилди.

Марҳамат МАТВАФАЕВА,
Акмал ЭГАМБЕРДИЕВ,
аспирантлар.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 22.30

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2224. 1 2 3 4 5 6